

5. Aryantini, S & Jumono, S. (2021). Profitability and value of firm: An evidence from manufacturing industry in Indonesia. *Accounting*, 7(4), 735-746. <http://leeds-faculty.colorado.edu/jere1232/Harrigan%20and%20Wing%20Corporate%20Renewal%20SI.pdf>.

6. Донцова Л.В., Никуфорова Н.А. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности. Практикум. – М.: Дело и сервис, 2018.

7. Jo-Ann Suchard, George A Shinkle. Innovation in newly public firms: The influence of government grants, venture capital, and private equity. *JOURNAL OF MANAGEMENT*, Vol. 44, No. 2, May 2019: 248-81. <https://search.informit.org/doi/abs/10.3316/agispt.20190627012941>.

8. Nusinov V. Estimating the Ukrainian companies' financial potential and the probability of forced / V. Nusinov, L. Burkova, N. Shura // *Investment Management and Financial Innovations*. – Sumy, 2020. – Vol. 17, issue N 2. – P. 26–39. – References: p. 37–39. <http://ds.knu.edu.ua/jspui/handle/123456789/2755>.

9. Рахимов М.Ю ва бошқалар. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2020.

10. Тожибоева Ш.А. Молиявий таҳлил-2. Дарслик. –Т.: Инновацион ривожланиш, 2021.

11. Тожибоева Ш.А. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолати таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2020.

12. Tadjibayeva Sh.A., Khodjayeva M.X. Main Aspect of the Analysis of Business Activity in The Conditions of Economic Development. *Trans Asian Journal of Marketing and Management Research (TAJMMR)*. Vol 9, Issue 10, Oktober 2020. <https://tarj.in>. ISSN: 2279-0667. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.209.

13. Хасанов Б.А. ва бошқалар. Молиявий таҳлил. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт, 2019.

14. Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. –Т.: Сано-стандарт, 2017.



### ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Хайитбоев Мухаммади Исрапилович** -  
Тошкент молия институти “Бухгалтерия  
ҳисоби” кафедраси мустақил изланувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss1/a25](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a25)

**Аннотация.** Мазкур мақолада товар-моддий захираларни бошқариш ва унинг ҳисобини ташкил этиш масалалари ёритилган. Тадқиқотлар натижасида товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** товар-моддий захиралар, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, тайёр маҳсулот, ҳаққоний қиймат.

### НАПРАВЛЕНИЙ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕТА ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

**Хайитбаев Мухаммади Исрапилович** -  
Ташкентский финансовый институт Независимый  
научный сотрудник кафедры «Бухгалтерский учет»

**Аннотация.** В данной статье освещены вопросы управления товарно-материальными запасами и организации их учета. В результате исследований разработаны рекомендации по совершенствованию учета товарно-материальных запасов на основе международных стандартов.

**Ключевые слова:** товарно-материальные запасы, международные стандарты финансовой отчетности, готовая продукция, справедливая стоимость.

### THE DIRECTIONS OF IMPROVING INVENTORY ACCOUNTING ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS

**Khayitbaev Muhammadi Israpilovich** -  
Tashkent Financial Institute Independent  
researcher of the "Accounting" department

**Annotation.** This article highlights the issues of inventory management and organization of their accounting. As a result of the research, recommendations were developed to improve the accounting of inventories based on international standards.

**Keywords:** inventories, international financial reporting standards, finished goods, fair value.

**Кириш.** Жаҳоннинг турли мамлакатларида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотларда товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш, уларни ҳаққоний қийматда баҳолаш, товар-моддий захиралар инвен-

таризациясини ўтказиш йўналишлари белгилаб берилган. Бироқ, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида товар-моддий захираларни таснифлаш ва баҳолаш, товар-моддий захиралар хусусидаги ахборотларни молиявий ҳисоботларда очиқ бериш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозирги кунгача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

**Адабиётлар шарҳи.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг асарларида товар-моддий захиралар ва уларни ҳисобга олиш масаласига атрофлича тўхталиб ўтилган.

“Товар-моддий захиралар” номли 4-сон БҲМСга биноан “Товар-моддий захиралар (ТМЗ) – кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар” [1].

“Захиралар” номли 2-сон БҲХСга мувофиқ, захиралар бу – қуйидаги активлардир:

“одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган;

бундай сотиш учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган;

ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган хом ашё ёки материаллар шаклида бўлган” [2].

Иқтисодчи олим А.Н. Ачиловнинг таъкидлашича “ишлаб чиқариш корхоналарининг айланма маблағларнинг таркибидаги моддий активлар, яъни корхоналарнинг айнан бир маҳсулот турларини яратиш хусусиятларидан келиб чиқиб, хом-ашёлар, ярим тайёр маҳсулотлар, кимё саноати корхоналаридаги реагентлар, тайёр маҳсулотлар, сотиш учун мўлжалланган товарлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга мўлжалланган кимёвий чиқиндилардан иборат” [3].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор С.Н.Ташназаровнинг фикрича “миллий стандартимизда товар-моддий захираларга берилган таърифта “...маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш” деган жумлани олиб ташлаш керак, деб ўйлаймиз, чунки бу жумлалар узоқ муддатда фойдаланиладиган моддий активларнинг таърифида ҳам келтирилган” [4].

Иқтисод фанлари номзоди, доцент М.Т.Хайдаров “товар-моддий захираларга ташкилотга тегишли бўлган ва хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операция цикл мобайнида фойдаланиладиган мол-мулклар киритилади”, [5] деган хулосага келган.

Грециялик иқтисодчи олимлар Г.Приниотакис ва П.Аргуропоулосларнинг фикрича, “захиралар миқдорини тўғри белгилаш ишлаб чиқариш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Захиралар миқдорининг кўплиги ташкилот ликвидлигини пасайтиради. Аксинча захиралар миқдорининг камлиги ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва фойданинг камайишига олиб келади” [6].

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар таъкидлашича, “товар-моддий захиралар корхона активлари таркибида катта салмоқни ташкил этади. Товар-моддий захиралар миқдорининг камлиги ёки кўплиги ишлаб чиқариш занжирига таъсир этиб, фаолиятнинг барқарорлигига таъсир этади” [7].

Умуман олганда юқоридаги иқтисодчи олимларнинг асарларида товар-моддий захираларни бошқариш ва унинг ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш масалалари тўлиқ ёритиб берилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган моддий активлар бўлиб, уларнинг қиймати тайёр маҳсулотлар қийматига тўлиқ ўтказилади. Улар харажатлар таркибида энг катта улушни эгаллайди ва молиявий натижаларга сезиларли таъсир кўрсатади.

Товар-моддий захиралар активлар таркибида муҳим ўрин тутиб, қуйидаги хусусиятларни ўзида мужассам этади:

- товар-моддий захиралар маълум таркибга эга;


- товар-моддий захиралар турли мезонларга мувофиқ таснифланади;

- товар-моддий захиралар ўзига хос баҳолаш хусусиятига эга;

- товар-моддий захиралар маълумотни очиқ бериш хусусиятига эга.

Иқтисодиёт субъектларида товар-моддий захиралар фаолиятни самарали йўлга қўйишда муҳим ўрин тутади. Қуйидаги расмда “Дунё-М” АЖ, “Жомбойдонмаҳсулотлари” АЖ, “Жиззахдонмаҳсулотлари” АЖда 2016-2020 йиллар давомида товар-моддий захираларнинг ўзгариши келтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики, барча акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралар миқдорининг ошганлиги кўришимиз мумкин. “Дунё-М” АЖ тармоқдаги энг йирик корхона ҳисобланиб, унинг товар-моддий захиралари миқдори 2020 йилда 215398924 минг сўмни ташкил этган. 2020 йилда “Жомбойдонмаҳсулотлари” АЖнинг товар-моддий захиралари миқдори 135723899 минг сўмни, “Жиззахдонмаҳсулотлари” АЖнинг товар-моддий захиралари миқдори 123472799 минг сўмни ташкил этган.




1-расм. "Дунё-М" АЖ, "Жомбойдонмахsulотлари" АЖ, "Жиззахдонмахsulотлари" АЖда 2016-2020 йиллар давомида товар-моддий захираларнинг ўзгариши, минг сўмда

Манба: "Дунё-М" АЖ, "Жомбойдонмахsulотлари" АЖ, "Жиззахдонмахsulотлари" АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Куйидаги расмда "Дунё-М" АЖ, "Жомбойдонмахsulотлари" АЖ, "Жиззахдонмахsulотлари" АЖда 2016-2020 йиллар давомида товар-

моддий захираларнинг активлар таркибидаги улуши ва унинг ўзгариши келтирилган.



2-расм. "Дунё-М" АЖ, "Жомбойдонмахsulотлари" АЖ, "Жиззахдонмахsulотлари" АЖда 2016-2020 йиллар давомида товар-моддий захираларнинг жами активлар таркибидаги улушининг ўзгариши, % да

Манба: "Дунё-М" АЖ, "Жомбойдонмахsulотлари" АЖ, "Жиззахдонмахsulотлари" АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Расм маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил қилинаётган учта акциядорлик жамиятида ҳам товар-моддий захираларнинг жами активлар таркибида сезиларли улушга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Бироқ "Дунё-М" АЖ ва "Жомбойдонмахsulотлари" АЖда 2016-2020 йиллар давомида товар-моддий захираларнинг активлар таркибидаги улуши камайган. Хусусан "Дунё-М" АЖда товар-моддий захираларнинг жами активлардаги улуши 2016 йилда 71,1%ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 66,8 %га тенг бўлган. Шунингдек "Жомбойдонмахsulот-

лари" АЖда товар-моддий захираларнинг жами активлардаги улуши 2016 йилда 65,1%ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 60,5 %га тенг бўлган.

Аммо "Жиззахдонмахsulотлари" АЖда товар-моддий захираларнинг жами активлардаги улуши 2016 йилда 39,1 %ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 45,2 %га тенг бўлган.

Товар-моддий захираларга баҳо беришда уларнинг таркибига ҳам эътибор қаратиш зарур. Бунда миллий ва халқаро стандартларда келтирилган жиҳатларга эътибор қаратиш за-

руп. Хусусан “Захиралар” номли 2-сон БХХС ва “Қишлоқ хўжалиги” номли 41-сон БХХС талабларини чуқур ўрганиш тақозо этилади. Мазкур стандартлар талаблари “Товар-моддий захиралар” номли 4-сон БХМС талаблари билан ўрганганида баъзи фарқли жиҳатлар аниқланди. Хусусан кўп йиллик ўсимликлар асосий воситалар таркибида акс этсада, миллий стандартларимизда бир йиллик ўсимликларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби белгиланмаган. Таъкидлаш жоизки кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда бир йиллик ўсимликларни харид қилиш ва уни парваришлаш ишлари олиб борилади, лекин уни бухгалтерия ҳисобида қай тартибда акс эттириш белгиланмаган. Шу боисдан тадқиқотлар натижасида 1091-“Бир йиллик ўсимликлар” ишчи счётини очиш зарур, деган хулосага келинди. Мазкур счёта нафақат бир йиллик ўсимликлар бўйича харажатлар ҳисобини акс эттиришга, балки бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар талабларига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Товар-моддий захиралар таркибида тайёр маҳсулот ва товарлар ҳам муҳим салмоққа эга ҳисобланади. Баъзи ҳолатларда харидорлар томонидан турли сабабларга кўра тайёр маҳсулотлар ва товарларнинг қайтарилиши ҳолатлари учраб туради. Бироқ бухгалтерия ҳисобида харидорлардан қайтиб келган тайёр маҳсулот ва товарларни акс эттирадиган счётлар мавжуд эмас. Шу боисдан ҳисоб сиёсатида 2840-“Харидорлардан қайтган тайёр маҳсулотлар” ва 2991-“Харидорлардан қайтган товарлар” ишчи счётларини киритиш таклиф этилди. Мазкур таклиф харидорлардан қайтган тайёр маҳсулот ва товарларнинг таҳлилий ҳисоби такомиллашувига хизмат қилади.

#### Хулоса ва таклифлар.

1. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарали ташкил этиш таъминот жараёнига бевосита боғлиқдир. Таъминот жараёнининг асосий йўналишларидан бири ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш-

да товар-моддий захираларнинг етарли миқдорда бўлиши ҳисобланади. Рақобатбардош иқтисодиёт шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун етарли даражада товар-моддий захирага эга бўлиши ва улардан оқилона ҳамда тежамкорлик билан фойдаланиши зарурдир. Шу боисдан товар-моддий захиралар хўжалик юритувчи субъект активларининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

2. Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини кенг қўллаш бўйича муаяйн чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари ва йирик солиқ тўловчилар ўз молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузиб, фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этмоқда. Бироқ молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ўртасида фарқли жиҳатлар мавжуд. Тадқиқот давомида “Захиралар” номли 2-сон БХХС, “Қишлоқ хўжалиги” номли 41-сон БХХС ва “Товар-моддий захиралар” номли 4-сон БХМС талаблари қиёсий таҳлил қилинди ҳамда бухгалтерия ҳисобида 1091-“Бир йиллик ўсимликлар” ишчи счётини очиш таклиф этилди. Мазкур счёта халқаро стандартлар талабларини маҳаллий қўллаш имкониятини яратди.

3. Маълумки хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолияти давомида тайёр маҳсулот ва товарларнинг қайтарилиши ҳолатларига жуда кўп дуч келишади. Мазкур ҳолатлар турли сабаблар туфайли юзага келади. Бу эса бухгалтерия ҳисобида харидорлардан қайтган тайёр маҳсулот ва товарларнинг ҳисобини юритишда муаяйн камчиликларни юзага келтирмоқда. Шу боисдан 2840-“Харидорлардан қайтган тайёр маҳсулотлар” ва 2991-“Харидорлардан қайтган товарлар” ишчи счётларини киритиш таклиф этилди. Мазкур таклиф товар-моддий захиралар бўйича бухгалтерия ҳисобининг ахборот таъминотини оширишга хизмат қилади.

#### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. “Товар-моддий захиралар” номли 4-сон БХМС. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. “Захиралар” номли 2-сон БХХС
3. Ачилов А.Н. Кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш. //Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Т.: 2019 й. 54 б.
4. Ташназаров С.Н. Товар-моддий захиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил
5. Хайдаров М.Т. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш тартиби. //Иқтисод ва молия. 2015 йил 8-сон. 61-бет
6. Priniotakis G., Argyropoulos P. Inventory management concepts and techniques. // Aegean International Textile and Advanced Engineering Conference (AITAE 2018). DOI:[10.1088/1757-899X/459/1/012060](https://doi.org/10.1088/1757-899X/459/1/012060)
7. Fararishah Abdul Khalid, Samantha Reina Lim. A study on inventory management towards organizational performance of manufacturing company in Melaka. //International Journal of Academic Research in Business and Social Sciences Vol. 8, No. 10, Oct. 2018.